

БЕХАТАР ОНАЛИККА ЭРИШИШНИНГ ТАБИЙЙ УСУЛЛАРИ

Комилова М.О., Базарова Ф.Ф., Эргашева З.А., Халмирзаева С.С.

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Ҳозирги кунда тугрүдан кейинги асоратлар 40-50% аёлларда, ҳомиладорлик даври патологиялари 50-65% аёлларда кузатилмоқда. Шунинг учун исириқ ва ялпизли малҳамлар ёрдамида ҳомиладорликнинг айрим патологик ҳолатларини, ҳамда тугрүк асоратларини олдини олиши усулини амалиётда кўллаб кўрдик. Текширув гурӯҳимиздаги ҳомиладор аёлларга ҳар томонлама фойдали, зарарсиз, ва табиий ўсимликлардан иборат бўлган тавсияларимизни бердик. Бунинг натижасида текшириш ва даволаш учун олингани аёлларда самарали натижаларни кузатдик.

Калим сўзлар: преэклампсия, эклампсия, гипоксия, тромбофлебит.

ЕСТЕСТВЕННЫЕ МЕТОДЫ ДОСТИЖЕНИЕ ЗДОРОВЫХ МАТЕРИ

Комилова М.О., Базарова Ф.Ф., Эргашева З.А., Халмирзаева С.С.

Андижанский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В настоящее время послеродовые осложнения наблюдаются у 40-50% женщин, а патологии беременности у женщин 50-65%. Поэтому мы на практике пытались предотвратить некоторые патологические состояния беременности и осложнения, используя ладан и перечную мяту. Мы дали беременным женщинам в нашей обзорной команде наши рекомендации, которые являются полезными, безвредными и естественными растениями. В результате мы видели доказательства эффективных результатов для женщин, находящихся под следствием и лечением.

Ключевые слова: преэклампсия, эклампсия, гипоксия, тромбофлебит.

NATURAL METHODS ACHIEVEMENT OF HEALTHY MOTHERS

Komilova M.O., Bazarova F.F., Ergasheva Z.A., Halmirzaeva S.S.

Andizhan State Medical Institute.

✓ *Resume,*

Nowadays, postpartum complications are observed in 40-50% of women, and pregnancy pathology in women is 50-65%. Therefore, in practice we tried to prevent some pathological conditions of pregnancy and complications, using incense and mint. We gave pregnant women in our review team our recommendations, which are useful, harmless and natural plants. As a result, we have seen effective results for women under investigation and treatment.

Keywords: preeclampsia, eclampsia, hypoxia, thrombophlebitis.

Долзарблиги

Ҳомиладорлик даврида ташқи ва ички омиллар организмга таъсири этиши оқибатида турли патологик ўзгаришлар пайдо бўлиши мумкин. Улардан камқонлик, гипертензив ҳолатлар, қин ва оёқ веналарининг варикоз кенгайиши ҳамда аёлдаги психо-эмоционал ўзгаришлар кўпчилик аёлларга таниш ҳолдир.

Ҳозирги кунда эса тугрүк вақтидаги ва тугрүдан кейинги асоратлар: тугрүк йўли жароҳатлари, сезгиси ўта кучли аёлларда тугрүқдаги оғриқларни узоқ вақтгача эслаб юриш ва яна фарзандли бўлишдан кўркув ҳоллари учрамоқда.

Йирик ҳомила ва ва бошқа айрим сабаблар оқибатида кесарча-кесиш амалиёти қўлланилаётгани, унинг ҳам нохуш асоратлари: жарроҳликдан кейинги жисмоний фАОлиятнинг пасайиши, шунингдек, косметик нуқсон, фарзанд кўриш сонининг чекланиши, турли касалликларни юқтириб олиш, баъзида ўлим каби ҳолатларнинг мавжудлиги жиддий муаммодир.

Ҳомиладорликнинг эрта токсикозларида аёл организмининг ҳомиладорликка мослашиш даври бўлиб, ҳомиладорлик физиологик табиий кечеётганида аёлнинг барча аъзо ва системаларида ҳамда моддалар

алмашинувида бирмунча ўзгаришлар содир бўлади ва организм янги шароитта мослашади, ҳомила ривожланиши учун шароит яратилиди. Лекин ҳомиладорлик токсикоз билан кечадиган бўлса, физиологик ўзгаришлар издан чиқиб, организмнинг ушбу шароитга мослашиши, яъни адаптацияси бузилади. Она организмидаги янгидан-янги, илгари кузатилмаган сезгила пайдо бўла бошлайди. Ажраб чиқаётган гормонлар баъзида хуш кайфият ёки тушкунликка олиб келади. Баъзан бу ҳолат аёлнинг ўзи ёки атрофдагилар учун нокулайлик келтириб чиқаради. Бунга қўшимча тарзда аёлларни бош оғриши қийнайди, лекин бош оғригини дори-дармонлар билан даволаш тавсия этилмайди. Чунки дастлабки уч ойликда бўлғуси боланинг саломатлигига асос солинади ва ички органлар шаклланади, аммо оғриққа чидаб ўтириш керак эмас. Бу даврда бўлғуси она қанчалик яхши ҳиссиятларни бошидан ўтказса, ҳомиладорлик шунча енгил ва ёқимли кечишига эришиш керак.

Илмий тадқиқот мақсади

Шунинг учун биз олдимиизга исириқ ва ялпизли малҳамлар ёрдамида ҳомиладорликнинг айрим пато-

логик ҳолатларини ҳамда түгруқ асоратларини олдини олиш усулини ишлаб чиқиши маңсад қилиб қўйдик.

Материал ва усуllар

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида бўлган аёлларга қўйидаги тавсиялар берилди:

- ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида юқори нафас йўллари яллигланиш касалликлари, токсикозлар, гестацион гипертензия ва бошқа ўзгаришларни олдини олиш учун ялпиз ўсимлигини оз миқдорда овқат билан истемол қилиш;

- исириқ дамламасидан ҳар куни бир стакандан ичиб туриш (шишларни олдини олиш уйқусизлик ва эмоционал бузилишлар профилактикаси учун),

- ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан түгруқ асоратларини камайтириш, ҳомиладорликда терида бўладиган ўзгаришларни олдини олиш ва даволаш учун ялпизли ванналар қабул қилиш (1-2 ҳафтада 1 марта), шу билан бирга охирги 8-9- ойлар давомида ялпизни ёғда қовурилган ҳолда бир ош қошиқдан истемол қилиш ва исириқли дамламадан 1 стакандан ичишни давом эттириш.

Натижва таҳлиллар

Иzlанишларимиз шуни кўрсатдики, юқоридаги ўсимликлар таркибида организмга фаол таъсир этувчи моддалар (ментол, гармин, гармалин, эфир мойи, пеганол ва бошқалар) мавжуд бўлиб, уларнинг тўқима рецепторларига бевосита ва билвосита таъсиридан организм мослашувчан, курашувчан бўлиб боради, бу моддаларнинг даволовчи таъсири ҳам яққол намоён бўлади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки бу ўсимликларни эпилептик ҳолатларда қўллаш мумкин эмас.

Ялпиз таркибida эфир мойлари, комфора, ментол мойи, тахир моддалар, танинлар мавжуд бўлиб, улар она организмини қувватлайди, тинчлантиради, юрак-қон томир, ошқозон-ичак ишини яхшилади, кўнгил айниш, қайт қилиш ҳолларини олдини олади. Исириқ таркиbidаги алколоидлар, пеганол, гармин, гармалин, турли мойлар ва ошловчи моддалар яллигланишни олдини олади, сийдик ҳайдайди, турли оғриқларни қолдиради ва стрессли камайтиради.

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигига бўлгуси боланинг саломатлигига асос солинади ва ички органлар шаклланади, шунинг учун бош оғригини доридармонлар билан даволаш тавсия этилмайди, аммо оғриқча чидаб ўтириш керак эмас, чунки бўлгуси она қанчалик яхши ҳиссиётларни бошидан ўтказса, ҳомиладорлик шунча енгил ва ёқимли кечишини таминлашга ҳаракат қилиш керак.

Бунда исириқ дамламаси яхши наф беради. Шунингдек, ҳомиладорликдаги қорин тортишиши ёки бел зирқираб оғришида ҳам қўллаш мумкин.

Ялпиз ҳам кенг тарқалган жароҳатлар, ревматизм ва турли ҳоллардаги оғриқларни қолдириш ҳусусиятига эга.

Исириқ таркиbidаги гармин моддаси марказий нерв системасини стимулловчи таъсир кўрсатади. У асетилҳолинестераза ингибитори ҳисобланади, бундан ташқари бир неча ферментлар фаоллигини оширади, улар организмни психоактив ҳолатга олиб келади кайфиятни кўтаради, депрессия ва стрессли камайтиради. Гармалин эса мелатонин, нормелатонин

ёки н-асетилсеротонинда анаболик метаболизмни жадаллаштиради, гистаминнинг Н-метилтрансфераза ингибитори ҳисобланаб, уйқунинг асосий бошқарувчисидир, бу ҳомиладорларда уйқу бузилиш ҳолатида коррекцияловчи восита сифатида яхши самара беради, шунингдек, унинг кучли антиоксидант таъсири мавжуд бўлиб, юқори респиратор касалликлар ва яллигланишга қарши таъсир этади.

Ҳомиладор аёлнинг организмида гормонлар фольлашуви таъсирида юзага келтирадиган жиддий ўзгаришлар кечади. Организмни турли хил инфекциялардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган прогестерон гормони кучли тарзда ҳосил бўла бошлади. У ҳомилани қон билан муттасил таъминлаган ҳолда бачадоннинг шиллиқ деворларини мустаҳкамлайди. Лекин айни пайтда унинг кўпайиб кетиши ҳазм қилиш тизимида салбий таъсир кўрсатган ҳолда ҳазм бўлиш жараёни секинлашиб, кўнгил айниш ёки қусуқни келтириб чиқаради, яъни токсикоз пайдо бўлади. Батъзан ҳомиладорликда токсикоз ўрнини жигилдон қайнаши ёки қабзият ҳам эгаллаши мумкин.

Ҳомиланинг катталалиши ва терининг тарангланиши натижасида ҳомиладорликнинг 2-ярмида қорин терисида пушти, қизғиши ёки кўкимтири тарам-тарам чизиклар пайдо бўлади, бундай чизикдар сут безлари, буксада ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу косметик нуксонларни олдини олиш учун ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан ялпизли ванналар қабул қилиш тавсия этилади. Ялпиз таркиbidаги ментол, эфир ва комфора мойлари тери жароҳатларига таъсир этиб, унинг мустаҳкамлиги ва эластиклигини орттириш, терида жароҳатларни даволаш ҳусусиятига эга. Ҳомиладорликнинг 6-ҳафтасида иссиқ ванналар ҳомиладорлик учун таҳликали бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳомиладорлик бошида ялпиз ва бошқа ванналарни айниқса, иссиқ ҳолда (^{37}Co дан юқорида) қабул қилмаган маъкул.

Бундан ташқари, кўпчилик аёллар түгруқдан кейин тўлғоқ оғриқларини эмас, балки бола чиқиши йўлларидаги йиртилиш ёки шифокорлар томонидан амалга ошириладиган жарроҳлик кесилишини эсга оладилар. Бу ҳолатлар онага 1 ой давомида оғриқ ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунингдек, аёлларда яна ҳомиладор бўлишлик ва фарзандли бўлишга хоҳиш камайиб, кўркув ҳисси пайдо бўлади. Афсуски, онанинг жинсий аъзолари жойлашган кириш йўлларидан мушаклар қанчалик яхши ривожланганига қарамай, онанинг ёши 35 дан ошган, кириш йўллари баланд, қин мушаклари жуда яхши ривожланган ёки ривожланмаган, жинсий кириш йўлларидаги бўлиб ўтган операция ёки түгруқдан кейинги асоратларнинг бўлишшлиги уларнинг эластиклик ҳусусиятининг пасайшига олиб келиши мумкин. Бугунги кунда туғилаётган чақалоқлар орасида 10-15 фоизининг вазни 4000 граммдан ортиқ. Ҳомиланинг вазни меъёрдан ортар экан, асоратлар ҳам шунга мутаносиб равишда кўпаяди. Бу түгруқ пайтида қатор хавфларни юзага келтиради.

Юқорида айтиб ўтилгандек, ялпиз токсикозларни олдини олади ва даволайди. Унинг таркиbidаги ментол ошқозон-ичак тизими муаммоларини, ундағи оғриқларни, яллигланишни, ичаклардаги метиоризмни даволашга ёрдам беради. Шунингдек, ментол ичак мушакларини бўшашишини ва спазмларни олдини олади. Бунинг учун ялпизли чойдан (чой қилиш учун 10 дақиқа давомида 1 стакан қайноқ сувда кури-

тилган ялпиз баргларини дамлаш кифоя) кунига 1 стакан ичиш керак. Ялпиз таркибидаги таҳмиман 10-16% ментол мойи борлиги аниқланди. Бу 10 гр ялпиз барглари бир кунлик дозани ташкил қиласди ва ҳомиладорликда заарли таъсир кўрсатмайдиган миқдор сифатида ўрганилди.

Ялпиз аорталарни кенгайтирувчи таъсирга ҳам эга бўлгани учун қон босими камайтиради. Ундаги моддалар альфа 1-адренорецепторларини қўзратади, қонтомирлар эндотелийсига таъсир этади, силлиқ мушакларни қисқаришига тўскынлик қиласди(бу Ca^+ каналларини фаоллаштириш орқали). Унинг таркибидаги комфора оғриқни йўқотади, қон айланishiшини яхшилади. Йўтални, шамоллашни олдини олади.

Хулоса

Демак профилактика учун истеъмол қилинган ялпиз моддалари тутгруқдан олдинги қўркувни йўқотади, тери эластиклигини ошириб, тутгруқ жараёни енгил, қийинчиликларсиз ўтишига, тутгруқ йўллари ва тери қопламаларига зарар етмаган ҳолда асоратсиз ва бехатар оналикка эришишга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Али ибн Сино. "Тиб қонунлари" 4 - китоб., /Тошкент. "Абу Али ибн Сино" нашриёти 2010.
2. Абиরқулов А., Табобат. /Тошкент "Абу Али ибн Сино" нашриёти 2015
3. Сатторов А. "Дард борки дармон бор" /Тошкент "Абу Али ибн Сино" нашриёти. 2016
4. Turner E.E., Harris M.M., "Organic Chemistry" /London "AA". 1952.

Келиб тушган вақти 09.03. 2019